

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАДЖИБАЕВА ДИЛОРОМ**

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Ўзбекистон Республикаси аграр соҳаси мисолида)**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси  
08.00.04 – Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Таджибаева Дилором**

Миллий иқтисодиётда институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси аграр соҳаси мисолида)..... 3

**Таджибаева Дилором**

Совершенствование теоретических основ повышения эффективности институциональных изменений в национальной экономике (на примере сельского хозяйство Республики Узбекистан)..... 39

**Tadjibaeva Dilorom**

Improvement of the theoretical basis for improving the efficiency of institutional changes in the national economy (on the example of agriculture of the Republic of Uzbekistan) ..... 75

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 79

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАДЖИБАЕВА ДИЛОРОМ**

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Ўзбекистон Республикаси аграр соҳаси мисолида)**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси  
08.00.04 – Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент-2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3 DSc/Iqt96 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Ғуломов Саидахроп Саидахмедович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

Тўхлиев Нурислом Тўхлиевич  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алтиев Абдурашид Султонович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат аграр университети


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил "4" июнь соат 13-30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100074, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, E-mail: [rector@nuu.uz](mailto:rector@nuu.uz)).


Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61 рақами билан рўйхатга олинган).


(Манзил: 100074, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс : (99871) 246-53-21, 246-02-24, E-mail: [rector@nuu.uz](mailto:rector@nuu.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил "22" май куни таркатилди.  
(2020 йил "22" май даги 6 рақамли реестр баённомаси).



  
**Ш.Г. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

  
**Қ.Қ. Мамбетжанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори

  
**А.В. Вахабов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиёти кўрсатадики, иқтисодий ислохотлар жараёнида институтчионал тузилмаларнинг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Миллий иқтисодиёт самарадорлигини институтчионал ислохотлар орқали ошириш имкониятлари нақадар чексиз эканлиги АҚШ, Ғарбий ва Шарқий Европа, Жанубий-Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлар мисолида ўз тасдиғини топмоқда. Шундай бўлсада, дунёнинг турли мамлакатларида ЯИМ ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, иқтисодиётнинг локомотив тармоқларини, жумладан аграр соҳани миллий озиқ-овқат ҳафвсизлиги талабларидан келиб чиқиб ривожлантириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ушбу жараёнларни самарали институтчионал ўзгаришлар воситасида ҳал этиш имкониятлари аҳолининг турли ижтимоий қатламларида амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. “Шунинг учун ҳам институтларни яратиш билан боғлиқ алоҳида жиҳатлар иқтисодиётнинг ўсиши нуқтаи назаридан ҳам, қашшоқликни қисқартириш нуқтаи назаридан ҳам реал аҳамиятга эга.”<sup>1</sup>

Жаҳон миқёсида мавжуд институтлар фаолиятини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ўзгартириш, яъни ислохотларни ягона қолип ва услублар асосида амалга ошириб бўлмаслиги, Жаҳон банки, ХВФ, АҚШ молия вазирлиги ва Вашингтон халқаро иқтисодиёт институти иқтисодчилари таклиф этган “Вашингтон консенсуси” стратегияси чора-тадбирлари Лотин Америкаси, қатор Африка давлатларида кутилган натижани бермагани, Жанубий ва Шарқий Осиёда, жумладан, Хитой ва Ҳиндистонда эса юқори даражадаги иқтисодий ўсишга ва қашшоқликни камайтириш имкониятини берганлиги ушбу муаммони янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам турли мамлакатларда ўз келажаги стратегиясини ишлаб чиқиш ва институтионал ўзгаришларни самарали амалга оширишга қаратилган илмий изланишлар тобора жадаллашиб, энг муҳим иқтисодий муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш концепциясининг муҳокамаси, “макроиқтисодий барқарорликни ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашимиз шарт”лиги, унга эришишда иқтисодиётдаги тизимли институтионал ўзгаришларни муҳим ўрин тутиши,<sup>2</sup> шунингдек, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да<sup>3</sup> белгиланган мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар миллий иқтисодиётни янада

<sup>1</sup> Доклад о человеческом развитии 2019. За рамками уровня доходов и средних показателей сегодняшнего дня: неравенство в человеческом развитии в XXI веке. [http://hdr.undp.org/sites/default/files/hdr\\_2019\\_overview\\_-\\_russian.pdf](http://hdr.undp.org/sites/default/files/hdr_2019_overview_-_russian.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь;

<sup>3</sup> “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. [http://strategy.gov.uz/uz/pages/action\\_strategy](http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy)



эркинлаштириш ва самарадорлигини ошириш, институционал ўзгаришларни жадал амалга ошириш орқали иқтисодий салоҳиятдан ва ресурслардан оқилона фойдаланиш каби масалаларни ҳозирги кунда зудлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган асосий муаммоларидан бирига айлантирди.

Ҳозирда мамлакатимизда ишлаб чиқариш, жумладан қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш мақсадида институционал ўзгаришларга алоҳида диққат қаратилмоқда. 2015-2016 йилларда қабул қилинган ҳужжатларда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътибор берилган бўлса, 2017-2020 йилларда ўз ечимини кутиб турган барча долзарб муаммоларга диққат қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 9 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5199-сон, 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5303-сон, 2019 йил 23 октябрда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармонлари, 2020 йил 28 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4575-сон ва бошқа қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>4</sup> Иқтисодий самарадорлик ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Harvard University, University of Chicago, Economic Development Institute of the World Bank, Massachusetts Institute of Technology, Stanford University (Leland Stanford Junior University) (АҚШ), Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), World Intellectual Property Organization (WIPO) (Швецария), Asia-Pacific Economic Cooperation (APEC) (Сингапур),

---

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/about/what-we-do>; [WWW.oecd.org](http://www.oecd.org); [www.imf.org](http://www.imf.org); <https://www.piie.com/>; <https://www.brookings.edu/>; [www.fao.org](http://www.fao.org) > home; <https://www.icarda.org/>; <https://www.fapri.missouri.edu/> <http://www.global-local-forum.com/pages>; WTO, Unctad [https://www.wto.org/\\_e/coher\\_e/wto\\_unctad\\_e.htm](https://www.wto.org/_e/coher_e/wto_unctad_e.htm)

Montpellier Business School (Франция), The University of Manchester, Oxford University (Буюк Британия), Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ) (Япония), Universidad de Buenos Aires, UBA (Аргентина), The Institut für Mittelstandsforschung (IfM) (Германия), Иқтисодий сиёсат институти (ИЭП, Россия), Ломоносов номидаги Москва Давлат университети (МГУ, Россия), Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: институционал ўзгаришларнинг ўтган ривожланиш йўли билан боғлиқлиги, эволюцион табиати, институционал омиллар бозор муносабатларига иқтисодий воқеликка кўпроқ таъсир кўрсатиши асослаб берилган (Стокгольм университети (Швеция), Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago, АҚШ); институционал ўзгаришларни амалга оширишда, жумладан, ўтиш даврида давлатнинг ролига алоҳида диққат қаратилиб, унинг институционал таркибига таъсир ўтказиши, экология, таълим ва соғлиқни сақлашни ўз васийлигида қолдириши кераклиги, бунда давлат мулкнинг зарурлиги таъкидланиб, аралаш иқтисодиёт, иқтисодиётнинг трансформацияси концепцияларига асос солинган (University of Maryland (АҚШ), The University of Manchester, Oxford University, University of Cambridge, (Буюк Британия, Organisation for Economic Cooperation and Development, Montpellier Business School, (OECD, Франция, World Intellectual Property Organization (WIPO) Швецария, Asia-Pacific Economic Cooperation (АПЕС), Сингапур); иқтисодиётни ноиқтисодий: психологик, ижтимоий, ахлоқ, феъл-атвор кабилар билан ўзаро боғлиқлиги, иқтисодий назариянинг ижтимоий психологиянинг услублари билан боғлаган ҳолда чекланган рационаллик концепцияси ишлаб чиқилган (Oxford University, Буюк Британия); Мавжуд “ўйин қоидалари” асосида индивидлар томонидан “Принципал – агент”нинг ўзаро муносабатларига бағишланган назарияга асос солинган (University of Minnesota (АҚШ), Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ), Япония), The Institut für Mittelstandsforschung (IfM), Германия); институтларнинг импорти, иқтисодий ислохотларда “институционал тузоқ”қа тушиб қолиш хавфи масалалари тадқиқ этилган (Марказий иқтисодий-математика институти (РФА). Институционал ўзгаришларнинг самарадорлигини оширишда институтларнинг зарурияти, расмий ва норасмий институтлар, давлат ва хусусий муассасалар инсонлар томонидан максимал натижаларга олиб келадиган фаолият турларини ташкил қилиш ва бозорларда рискларни бошқаришда фойдаланиш учун яратилиши таҳлил қилинган, давлат нафақат қисқа балки, узоқ муддатли институционал ўзгаришларни амалга ошириши лозимлиги кўрсатилган (Жаҳон банки тадқиқот гуруҳлари, Иқтисодий сиёсат институти,

Москва Давлат университети (Россия); институционал ўзгаришлар, трансакцион харажатлар, табиий ресурсларни бошқариш ва бошқа масалалар тадқиқ этилиб ривожланаётган мамлакатлар учун тавсиялар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти); (Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент молия институти, Ўзбекистон Миллий университети).

Ҳозирда улар томонидан институционал ўзгаришлар самарадорлигини ошириш бўйича турли йўналишларда илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур тадқиқотнинг методологик ва назарий асоси сифатида муаллиф институционал-эволюцион назариянинг асосчиси Т.Б.Веблен, неоинституционал йўналишнинг машҳур вакиллари А.Алчиан, Г.Демсец, Г.Беккер, О.Уильямсон, Р.Коуз, Д.Норт, Дж.Ходжсон, Ж.Бьюкенен, Э.Г.Фуруботн, Р.Рихтер, Т.Эггертсон, Р.Нельсон, С.Уинтер, ва бошқаларнинг тадқиқотларига таянди. Уларнинг илмий ишлари неоинституционал назариянинг мазмун моҳиятини очиқ беради ва бу йўналишни нуфузли иқтисодий мактаб даражасига кўтаришда хизматлари катта, жумладан, А.Алчиан, Г.Демсец мулк ҳуқуқи назариясига асос солганлар. Г.Беккер эса иқтисодий таҳлилни инсоннинг қатор, жумладан, нобозор саъй-ҳаракати, танлови билан боғлаган. Р. Коуз институтларни трансакцион харажатларни тежаш воситаси сифатида неоинституционал назариянинг марказий ғоясига айлантирган. Д.Норт институтлар ва уларнинг ўзгаришининг умумлашган вариантини ишлаб чиқиб, неоинституционал назариянинг кенг қамровли концепциясини шакллантирган.<sup>5</sup>

Россиялик таниқли олимлар хусусан, А.А.Аузан, Р.И.Капелюшников, А.Е.Шаститько, А.А.Нестеренко, Р.М.Нуреев, А.Н.Олейник, В.Л.Тамбовцев, О.С.Сухарев ва бошқалар ўзларининг шу йўналишдаги фундаментал тадқиқотлари билан фаннинг ривожига катта ҳисса қўшганлар.<sup>6</sup>

---

<sup>5</sup> Веблен Т.Б. Теория праздного класса. -М.: Прогресс, 1994; Алчиан А., Демсец Г. Производство, информационные издержки и экономическая организация. - М.: Издательский дом ГУ – ВШЭ, 2001; 1972; Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. -М.: Издательский дом ГУ – ВШЭ, 2003; Becker G. The Economics of Discrimination. Chicago, 1957; Becker G. Crime and Punishment: An Economic Approach. -- "Journal of Political Economy", 1968, vol. 76, No. 2; Уильямсон О. Экономические институты капитализма. – СПб, 1997; Коуз Р. Фирма, рынок и право. -М.: «Дело ЛТД» при участии изд-ва «Catalaxu», 1993; Коуз Р. Природа фирмы. - М.: Дело, 2001; Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. -М., Фонд экономической книги: «Начало», 1997; North, Douglass C., and Thomas, Robert Paul. The rise of the Western world: a new economic history. (Cambridge, 1973). Ходжсон Д. Экономическая теория и институты: Манифест современной институциональной экономической теории. - М.: Дело, 2003; Нельсон Р., Уинтер С. Эволюционная теория экономических изменений. -М.: Дело, 2003; Харт О. Неполные контракты и теории фирмы. Природы фирмы. - М.: «Дело», 2001, стр. 206-236; Фуруботн Э.Г., Рихтер Р. Институты и экономическая теория: Достижения новой институциональной экономической теории. - СПб.: Изд. дом Санкт-Петербур. гос. ун-та, 2005; Эггертсон Т. Экономическое поведение и институты. – М.: Дело, 2001;

<sup>6</sup> Аузан А. А. Экономика всего. Как институты определяют нашу жизнь. -М.: ООО «Манн, Иванов и Фербер», 2014 (Электронная версия книги подготовлена компанией ЛитРес ([www.litres.ru](http://www.litres.ru))); Капелюшников Р. И. Экономическая теория прав собственности: методология, основные понятия, круг проблем. –Москва, ИМЭМО, 1990; Шаститько А.Е. Новая институциональная экономическая теория. -М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2010; Нестеренко А. М. Экономика и институциональная теория. - М.: Эдиториал УРСС, 2002; Нуреев Р. М. Теории общественного выбора. -М.: ГУ – ВШЭ, 2005. -531. Нуреев Р. М. Институционализм: вчера, сегодня, завтра. /rustem-nureev.ru/wp-content/uploads/2011/.../182.pdf; Тамбовцев



Иқтисодий муносабатларни шаклланиши ва ривожланишида институционал назариянинг айрим жиҳатлари Л.И.Абалкин, С.Ю.Глазьев, А.А.Пороховский ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Н.С.Бондарев эса қишлоқ хўжалигида институционал ўзгаришларни назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этган. О.С.Белокрылова, В.В.Вольчик, А.М.Мурадов, А.Г.Эфендиев, И.А.Болотина ва бошқаларнинг ишлари аграр соҳа тадқиқотига йўналтирилган. А.В.Чаянов деҳқон хўжаликларини ўрганиб, эволюцион тарзда аграр муносабатлар ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш орқали самарадорликни кўтаришни асослаб берган.<sup>7</sup>

Республикамизда самарадорлик ва унга институционал жиҳатдан ёндашувнинг айрим жиҳатлари С.С.Гулямов, Ҳ.Абулкасимов, Т.Жўраев, Ч.Муродов, Ф.Назарова, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Ш.Шодмонов ва У.Ғафуров ва бошқалар томонидан назарий-услубий ёндашув нуқтаи назаридан талқин этилган. А.Хуррамов, Ш.Сатторов, Ф.Ваҳобовлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мулкчилик муносабатлари, Ш. Аллаёров ва бошқалар давлатнинг аграр сиёсати, И.Курбонов, Б.Маматқулов, Д. Саидова ва бошқалар фермер хўжаликлари самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.<sup>8</sup>

Ўзбекистонлик олимларимиз орасида неоинституционал нуқтаи назардан ёндашиб, таҳлил қилинган ишлар жуда кам. Таниқли иқтисодчи олимимиз Б.Б.Беркинов бошчилигида Ш.Эргашхуджаева, Ф.Маматова, Р.Тошматовлар

---

В. Л. Теории институциональных изменений: Учеб. пособие. -М.: ИНФРА-М, 2011; Олейник А. Н. Институциональная экономика: Учеб. пособие. -М.: ИНФРА-М, 2004; Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория / Под общ. ред. А.А.Аузана. -М.: ИНФРА-М, 2011; Сухарев О. С. Теория эффективности экономики. -М.: «Финансы и статистика», 2009.

<sup>7</sup> Абалкин Л. И. Экономическая стратегия для России: проблема выбора. — М.: ИЭ РАН, 1997; Глазьев С. Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. – М.: ВлаДар, 1993; Пороховский А.А. Вектор экономического развития. М.: ТЕИС, 2002; Бондарев Н. С. Институциональные преобразования в сельском хозяйстве: теория и методология. Автореф. докт. дисс. -Новосибирск, 2015; Белокрылова О. С., Вольчик В.В., Мурадов А.А. Институциональные особенности распределения доходов в переходной экономике. Ростов на Дону: Изд-во Рост. Университета, 2000, [http //te boom ru/Essay htm](http://teboom.ru/Essay.htm); Введение в институциональный анализ / Под ред. В. Л. Тамбовцева. –М.: ТЕИС, 1996. Эфендиев А.Г., Болотина И.А. Современное российское село. На переломе эпох и реформ. Опыт институционального анализа // Мир России. 2002, №4.; Чаянов А. В. Крестьянское хозяйство. Избранные труды. М.: Экономика, 1989. 491 с.; Чаянов А. В. Основные идеи и формы организации крестьянской кооперации. М.: Наука, 1991. 454 с.

<sup>8</sup> Гулямов С.С. Межотраслевые модели экономики. Монография. -Т.: Наука и технология. 1999. - 234 с.; Абулкасимов Ҳ.П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. – Т.: «Академия», 2006. – 346 б.; Абулкасимов Ҳ.П. ва бошқалар. Давлатнинг аграр сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.: «Akademiya», 2007; Жўраев Т.Т. Иқтисодий ресурслар доиравий айланиш жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 303 б.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида): Дисс. авто-реф. -Тошкент, ЎзБИИТИ, 2001. -43 б.; Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истикболлари. Иқт фанлари докт. дисс. авт. Т., ЎзБИИТИ, 2001 42 б.; Шодмонов Ш., Ғафуров У. «Иқтисодиёт назарияси», Дарслик, Т.: «Fan va texnologiya», 2010; Ўлмасов А.Ў., Ваҳобов А. В. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Iqtisod-moliya», 2014, - 456 б.; Хуррамов А.Ф. Ўтиш иқтисодиётида мулкчи муносабатлар ва уларнинг аграр соҳадаги хусусиятлари. Дисс. автореф.– Тошкент: ЎзМУ, 2005; Сатторов Ш. Қишлоқ хўжалигида мулк шаклланишининг ривожланиши ва уларни самарадорлигини оширишнинг асосий муаммолари: Дисс. автореф.– Самарқанд, 2006; Ваҳобов Ф.А. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мулк таркибининг ўзгариши (Ўзбекистон Республикаси материаллари мисолида): Дисс. автореф. –Тошкент: ТМИ, 2007; Аллаёров Ш. Аграр сиёсатни амалга оширишнинг назарий концептуал жиҳатлари. Монография. -Тошкент, Академнашр, 2017. Курбонов И. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари: Дисс. автореф.-Тошкент, 2006; Маматқулов Б. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш: Дисс. автореф. -Тошкент, 2005; Саидова Д.Н. Фермер хўжаликларида даромадларнинг шаклланиши ва тақсимланиши: Дисс. автореф.. -Тошкент, 2012.

олиб борган тадқиқотларини келтириш мумкин.<sup>9</sup> Уларнинг илмий нашрларида трансакцион харажатларнинг юзага келиши, таркиби, кичик бизнес, йирик корхоналарда трансакцион харажат турлари, трансакцияларни бошқариш концепцияси, шартномалар мониторингини юритишнинг услубий жиҳатлари, фермер хўжаликларининг институционал ривожланиши тадқиқ этилган. Ш.О. Олимжанованинг тадқиқотида мустақилликка эришилгач, аграр соҳада амалга оширилган институционал ўзгаришлар назарий жиҳатдан тўрт босқичга бўлиб ўрганилган.<sup>10</sup>

Кўриниб турибдики, самарадорликни хўжалик юритиш шакллари, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, хўжаликни бошқариш, энг муҳими ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий муносабатлар ва аграр соҳанинг ўзига хослиги, уни иқтисодий қонунларга таъсирини неоинституционал нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганилган илмий тадқиқотларнинг йўқлиги ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзуси йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Институционал ўзгаришлар шароитида иқтисодий самарадорликни оширишга йўналтирилган илмий-назарий, амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

самарадорлик категориясига турли илмий мактаблар намоёндаларининг назарий қарашларини таҳлил қилиш асосида муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш;

хўжалик юритиш шакллари самарадорлигини асословчи мезонларни ишлаб чиқиш;

институционал ўзгаришларни методологик жиҳатдан асослаш;

миллий иқтисодиёт тармоқларининг фарқи ва самарадорлигини аниқлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва кўрсаткичларини очиб бериш;

аграр соҳада мулкчилик ва рента муносабатларини таҳлил қилиш асосида ер рентасини тақсимлаш механизмининг такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

---

<sup>9</sup>Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. –Тошкент: «Иқтисодиёт» 2013; Беркинов Б. Б., Эргашхуджаева Ш. Дж., Маматова Ф. Х. Трансакция ва трансакция харажатлари асослари. / Рисола. –Т.: «Иқтисодиёт» 2013. Маматова Ф.Х. Трансакция харажатларини таҳлил қилиш асослари: –Тошкент: «Фан ва технология», 2014. -120 б; Ташматов Р. Х. Қишлоқ хўжалигини институционал ривожлантириш. Монография. –Тошкент: «Фан ва технология», 2013; Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг институционал асослари ва истикболи: Монография. –Тошкент: «Иқтисодиёт» 2013;

<sup>10</sup> Олимжанова Ш.О. Аграр соҳада институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг назарий жиҳатлари: Автореф. дисс. –Тошкент: ТМИ, 2012.

микродаражада институционал ўзгаришларни таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда асосий муаммоларни аниқлаш орқали самарадорликни оширишга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш;

инфратузилманинг трансакцион харажатларни пасайтириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш;

республикада иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишда неоинституционал назариядан кенг фойдаланиш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқиш;

хорижий давлатлар тажрибаси асосида аграр соҳада институционал ўзгаришларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, жумладан, аграр соҳадаги хўжалик юритиш субъектлари фаолияти белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб мамлакатда институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий, мантиқий, статистик, корреляцион-регрессион таҳлил, синтез, концептуал жадвал, индуктив, дедуктив, иқтисодий моделлаштириш, илмий абстракция, график тасвирлаш, моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

самарадорлик категориясига классик, неоклассик, неоинституционал таърифларнинг моҳиятини ўрганиш асосида унинг мазмунига жамият томонидан қўйилган мақсад, фаолият ҳамда уни амалга ошириш учун ресурсларни оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш эвазига эришилган ижобий иқтисодий ва ижтимоий натижа эканлигини ифодаловчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

иқтисодий самарадорликка назарий ёндашувлар эволюцияси ва концептуал асосларини тадқиқ этиш орқали унга ёндашишнинг мезонларини белгилаш асосида аграр соҳанинг ўзига хослиги акс этган концептуал жадвал ишлаб чиқилган ва расмий институтларни ташкил этиш ва ўзгартиришда уларни ҳисобга олиш зарурлиги асосланган;

самарадорликнинг умумий жиҳатлари ва концептуал фарқлари, жумладан “мулк ҳуқуқи дастаси” ва унинг тақсимланиши ҳамда трансакцион харажатлар эканлиги, улар асосида хўжалик юритиш шакллари, иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ўзгаришини, эволюцион тараққиёт юз беришини акс эттирувчи жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими модели ишлаб чиқилган;

институционал нуқтаи-назардан самарадорликни оширишда меҳнатга нисбатан мотивациянинг алоҳида ўрин тутиши ва уни “мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланиши орқали амалга оширилиши, жумладан, даромад, иш ҳақи ва ижтимоий тўловда акс этиши асосланган ҳамда соҳа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий тўловни 2 баравар пасайтириш зарурлиги бўйича таклиф берилган;

рента муносабатларини корреляцион-регрессион таҳлил қилиш асосида ўрганилганда бонитет балл эвазига олинаётган ҳосилнинг пасайиб бораётганлиги аниқланган ва ер рентасини тақсимлаш механизмини ягона ер солиғи ставкалари ва харид нархлари орқали такомиллаштириш таклиф этилган;

микродаражада, институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида шаклланган, аграр соҳадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий муаммолари аниқланган, шунингдек чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш ва давлат шартномаси асосида тайёрланадиган маҳсулотлар нархининг бозор ҳамда тармоққа инвестиция жалб этиш талабига мослигини таъминлаш даражасида бўлиши зарурлиги борасидаги таклифлар ишлаб чиқилган;

аграр соҳада асосий капитални янгилашга йўналтирилган инвестициялар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган даражадан 8-10 марта камлиги ва инвестиция киритиш эвазига олинган маҳсулот хиссаси эса ўртача иқтисодиётдаги даражадан 3 марта кўплигини ҳисобга олиб, аграр соҳадаги сертификатлаш, стандартлаштириш тизимларини мукамаллаштириш, кластер ишлаб чиқариш тизимини ва агробизнесни ривожлантириш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мавжуд концепцияларни ўрганиш асосида классик, неоклассик ва неоинституционал назарияларни таққослаш мезонлари ишлаб чиқилган, улар асосида қиёсий таҳлил ўтказилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлиги неоинституционал назарияга таянган ҳолда “мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланиши ва трансакцион харажатлар даражасига боғлиқлиги асосланган ҳамда уларнинг фаолиятига баҳо берилиб, аниқланган муаммоларга нисбатан тавсиялар ишлаб чиқилган;

корреляцион-регрессион таҳлил асосида асосий ресурс бўлмиш ернинг бонитет бали эвазига олинаётган маҳсулот миқдори пасайиб бораётгани аниқланган, сабаблари кўрсатилган ҳамда таклифлар берилган;

институционал ўзгаришлар орқали иқтисодий муносабатлар ва жамиятнинг институционал қурилиши ўртасидаги мутаносибликни сақлашни таъминлаш модели ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда неоинституционал назарияга олимларимиз томонидан етарлича эътибор берилмаётгани, ҳар қандай фаннинг ривожини уни олий ўқув юртларида ўрганиш ва илмий тадқиқотлар ўтказишга боғлиқлигини назарда тутиб таклифлар ишлаб чиқилган;

иқтисодиётни, жумладан аграр соҳани барқарор ўсиши унга йўналтирилган инвестицияларнинг ЯИМга нисбати даражасига боғлиқлиги, бу жиҳатдан аграр секторига инновацион инвестицияларнинг ниҳоятда зарурлигига қарамай уларнинг миқдорини пастлиги асосланган ва тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув, қарашлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотлари, монографик таҳлиллардан, халқаро молия институтларининг расмий маълумотларидан ва бошқа амалий маълумотлардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан иқтисодий-ижтимоий муносабатларни, институционал ўзгаришларни амалга ошириш, унинг услубий механизмини такомиллаштириш ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотлар ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича стратегик ва комплекс дастурлар, ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатлар (“йўл хариталари”), аграр соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртлари учун ўқув адабиётларини яратишда, “Иқтисодиёт назарияси”, “Неоинституционал назария”, “Институционал иқтисодиёт”, “Замонавий иқтисодий назариялар”, “Макроиқтисодиёт”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ва таълим бериш жараёнларида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Институционал ўзгаришлар шароитида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

самарадорлик категориясига классик, неоклассик, неоинституционал таърифларнинг моҳиятини ўрганиш асосида унинг мазмунига жамият томонидан қўйилган мақсад, фаолият ҳамда уни амалга ошириш учун ресурсларни оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш эвазига эришилган ижобий иқтисодий ва ижтимоий натижа эканлиги нуқтаи назаридан қараш зарурлиги билан боғлиқ таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 5-1/20-60-сон маълумотномаси) мамлакатимиз ривожланишининг стратегик мақсадларини амалга ошириш жараёнини таҳлил қилишда фойдаланилган. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши трансакцион харажатларни ҳисобга олган ҳолда реал самарадорликни аниқлашга, жамиятнинг пировард мақсадини қандай даражада амалга оширилаётганини баҳолашга хизмат қилди;

иқтисодий самарадорликка назарий ёндашувлар эволюцияси ва концептуал асосларини тадқиқ этиш орқали унга ёндашишнинг мезонларини белгилаш асосида аграр соҳанинг ўзига хослигини акс эттирувчи ишлаб чиқилган концептуал жадвал, расмий институтларни ташкил этиш ҳамда ўзгартиришда бу хусусиятларни ҳисобга олиш зарурлиги бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил

1 ноябрдаги 5-1/20-60-сон маълумотномаси) 2018 йил якунларини ва мамлакатда институционал ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилишда фойдаланилган. Мазкур таклиф ёрдамида институционал ўзгаришларни амалга оширишда иқтисодиёт ва унинг тармоқлари, жумладан аграр соҳадаги расмий институтларни такомиллаштиришга имкон яратилди;

самарадорликнинг умумий жиҳатлари ва концептуал фарқлари, жумладан “мулк ҳуқуқи дастаси” ва унинг тақсимланиши ҳамда трансакцион харажатлар эканлиги, улар асосида хўжалик юритиш шакллари, иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ўзгаришини, эволюцион тараққиёт юз беришини ақс эттирувчи “жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими” модели сифатида ёндашиш лозимлиги бўйича берган таклифлари (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 5-1/20-60-сон маълумотномаси) институционал ўзгаришларни таҳлил қилиш ҳамда самарасиз институтларни аниқлаш ва мутаносибликни таъминлашда фойдаланилган. Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши натижасида расмий, норасмий институтларни ва уларга риоя қилишни таъминловчи механизмларни такомиллаштиришга ҳамда оптимал хўжалик юритиш шаклларини ривожлантиришга эришилади;

институционал нуқтаи-назардан самарадорликни оширишда меҳнатга нисбатан мотивациянинг алоҳида ўрин тутиши ва уни “мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланиши орқали амалга оширилиши, жумладан, даромад, иш ҳақи ва ижтимоий тўловда ақс этиши, соҳа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий тўловни 2 баравар пасайтириш зарурлиги билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2270-сон қарорига асосан амалиётга жорий қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармони билан белгиланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишда ҳам фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 1012-33158-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида республикамизда меҳнат мотивациясини кучайтиришга ва унумдорлигини оширишга эришилди;

рента муносабатларининг корреляцион-регрессион таҳлили асосида ўрганилганда бонитет балл эвазига олинаётган ҳосилнинг пасайиб бораётганлиги ва ер рентасини тақсимлаш механизмини ягона ер солиғи ставкалари ва харид нархлари орқали такомиллаштириш зарурлиги бўйича берган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда, 2019 йилдан бошлаб суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғини ҳисоблашда табақалаштирилган коэффициентларни қўллашда амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ



қўмитасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 1012-33158-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни жорий этилиши ер майдонларидан самарали фойдаланишга ва юқори ҳосилдорликка эришишга, фермер хўжаликлари масъулиятини янада оширишга ҳамда солиқ тушумини ортишига хизмат қилмоқда;

хўжалик юритувчи субъектларнинг чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш ва давлат шартномаси асосида тайёрланадиган маҳсулотлар нархининг бозор ва тармоққа инвестиция жалб этиш талабига мослигини таъминлаш даражасида бўлиши зарурлиги борасидаги таклифлари “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг: бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш; чорвачилик ва паррандачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 5-1/20-60-сон маълумотномаси), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сон “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон “Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 02/032-3630-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Ушбу илмий таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида республикада нархлар билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан қатор муаммоларни бартараф қилинишига эришилди. Бу таклифлар истиқболда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожланишига хизмат қилади;

аграр соҳада асосий капитални янгилашга йўналтирилган инвестициялар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган даражадан 8-10 марта камлиги ва ўз навбатида инвестиция киритиш эвазига олинган маҳсулот хиссасини ўртача иқтисодиётдаги даражадан 3 марта кўплигини ҳисобга олиб, аграр соҳадаги сертификатлаш, стандартлаштириш тизимларини мукамаллаштириш, инфратузилмани, кластер ишлаб чиқариш тизимини ва агробизнесни ривожлантириш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, фермерларни иқтисодий билимларини ошириш зарурлиги каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича берган таклифлари 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида таркибий ислохотларнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ Йўл харитасининг “Тармоқлар фаолияти самарадорлиги ва иқтисодиёт самарадорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалиги” бўлимини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 5-1/20-60-сон маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 02/032-3630-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Ушбу таклифлар республика аграр соҳасидаги қатор муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга хизмат қилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 10 дан ортиқ халқаро, 20 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманларда маъруза тарзида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 65 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 25 та илмий мақола, жумладан, 20 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 248 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодий самарадорлик тушунчаси ва унинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодий самарадорликка назарий ёндашувлар эволюцияси, неоинституционал ёндашувнинг концептуал асослари, хўжалик юритиш шакллари – самарадорликни таъминлашнинг пойдевори эканлиги ва унинг илмий назарий асослари, миллий иқтисодиётнинг ўзига хослиги ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш самарадорлиги ўрганилган.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг асосий мақсади ва мазмунини ифодалайди. Лекин бу категорияга берилган таърифлар унинг мазмун-моҳиятини эмас, кўпроқ уни қандай кўрсаткич орқали ифодалаш, ҳисоблаш мумкин? деган саволга жавоб беради. Классик, неоклассик, неоинституционал нуқтаи назардан берилган таърифларнинг таҳлили асосида самарадорликка муаллифнинг қуйидаги таърифи берилган: самарадорлик - бу ресурслар чекланганлиги шароитида илмий-амалий изланишга ундовчи категория бўлиб, жамият томонидан тан олинадиган фаолият, мақсадни амалга оширишда ресурсларни оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш эвазига эришилган иқтисодий ҳамда ижтимоий ижобий натижадир.

Институционал самарадорлик иқтисодий ва ижтимоий самарадорликнинг бирлиги бўлиб, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, бошқаришнинг субъектив ва объектив ўлчовлари бирлигини ифодалаши билан классик, неоклассик қарашлардан фарқ қилади.

Иқтисодий самарадорликнинг концептуал асосларини тадқиқ этишда унинг мазмун-моҳияти, умумий томонлари ва асосий фарқларини очиб бера оладиган мезонлар: илмий мактабларнинг ўз олдига қўйган бош мақсади, масалага ёндашуви, мақсадга эришишдаги асосий чекловлар, фундаментал концепцияси ва унда диққат қаратилган марказий муаммо, самарадорликка ёндашув ҳамда унинг концептуал асослари: мулкчиликка, трансакцион харажатларга, иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда инсон моделига ёндашувдаги фарқлар, самарадорликни таъминлаш омиллари ҳамда бунда асосий диққат нимага қаратилиши лозимлиги таҳлил қилинади ва аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятлари концептуал жадвал орқали кўрсатилади. Муаллиф билдирилган фикрларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ўз нуқтаи-назарини баён қилади ва иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, аграр соҳанинг самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар белгилашда унинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш зарурлиги асослаб берилган.

Неоинституционал назарияда ҳам самарадорликнинг концептуал асоси сифатида классик ва неоклассик назария каби: 1) мулкчилик ва 2) рақобат кўрилади. Лекин унда: биринчидан, мулкчилик турли шакллариининг мавжудлиги ва уларнинг тенглиги иқтисодий плюрализмнинг асоси, деб қаралади; Иккинчидан, “мулк ҳуқуқи дастаси”, яъни мулк иқтисодий ва ҳуқуқий категориянинг бир бутунлиги ҳамда мулк ҳуқуқи дастасининг фаолиятга қатнашувчи субъектлар ўртасида тақсимланиши сифатида кўрилади.

Мулк ҳуқуқининг аниқ белгиланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг саъй-ҳаракатини, танловини ўзгартиради, тўғри қарор қабул қилишга ундайди. Сабаби, мулк эгаси фаолиятининг ижобий натижаси ҳам, салбий оқибати ҳам унинг ўзининг зиммасига тушади. Мулк ҳуқуқи назариясига кўра уларнинг ҳеч қайси бири бирон-бир мутлақ афзалликка эга эмас.

Учинчидан, классик ва неоклассик назарияда трансакцион харажатларга эътибор берилмайди, неоинституционал назарияда эса уларга алоҳида диққат қаратилади. Неоинституционал назария асосчиларидан Р.Коузнинг фикрига кўра фирмаларнинг ташкилий шакли ва ҳажмига трансакцион харажатларни тежаш нуқтаи назаридан қараш керак.

Трансакцион харажатлар уч даражада ўрганилади. Ички, бозор ва ижтимоий-иқтисодий-сиёсий даражадаги трансакцион харажатлар. “Мулк ҳуқуқи дастаси” ва унинг тақсимланиши ҳамда трансакцион харажатлар рақобат натижасини ҳам белгилашини назарда тутиб неоинституционал назарияга таянган ҳолдагина аграр соҳада хўжалик юритиш шакллари самарадорлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш мумкин:

Биринчи мезон – мулк ҳуқуқи, унинг таснифи ҳамда “мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланишидир. У субъектларнинг иқтисодий саъй-ҳаракати, танловидаги ўзгаришларга олиб келади.

Биринчи мезонни танлашдан келиб чиқадиган мантиқ қуйидагича:

– мулк ҳуқуқи хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятлари натижасидан қандай баҳраманд бўлишлари, яъни кутилаётган харажатлар ва ундан оладиган натижаларини таққослаш учун замин яратади;

– мулк ҳуқуқининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши иқтисодий стимуллар тизимини ўзгаришига олиб келади; улар эса субъектларнинг иқтисодий саъй-ҳаракати, танловидаги ўзгаришларга олиб келади.

Фаолият юритиш мотивацияси тўғридан-тўғри “мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланишига қараб шаклланади. Манфаатлар қай даражада қандай тартибда қондирилиши белгиланади. Айнан индивидуал-оилавий хўжаликда “мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланиши самарали хўжалик юритишга ундайди.

Иккинчи мезон – трансакцион харажатлар. Улар ички, бозор, ижтимоий-иқтисодий-сиёсий даражадаги сарфлардан иборат. Ички трансакцион харажатлар хўжалик доирасида сарфланадиган харажатлар. Бозорда трансакцион харажатлар бозор муносабатларига киришиш, мулк ҳуқуқини айирбошлашда турли тўсиқларни енгиш заруратидан келиб чиқади.

Ижтимоий-иқтисодий-сиёсий даражада трансакцион харажатларнинг мавжуд бўлиши давлат институтларидан фойдаланиш заруриятидан келиб чиқади. Бу институтлар ўз навбатида бозор ва ички трансакцион харажатларга ҳам таъсир кўрсатади. Хўжалик юритиш шаклини танлаганда биринчи навбатда ички хўжалик трансакцион харажатларига диққат қаратилади. Айнан қишлоқ хўжалигида индивидуал-оилавий хўжалик шаклида ўзига хос хусусиятларига кўра, улар минимал бўлгани учун кишилик жамияти самарали хўжалик юритиш шакли сифатида уни танлаган.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш жараёнида ҳар бир технологик занжирда бажарилган ишнинг миқдори ва сифатини назорат қилиш қийин. Якуний натижага оралиқ циклда бажарилган меҳнатнинг таъсирини баҳолаб, назорат қилишнинг аниқ мезонлари, имкони йўқ. Ҳар бир ишловчининг ҳиссасини аниқлаб бўлмаслиги туфайли меҳнатни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш мушкул.

Ёлланма ишчи билан деҳқоннинг меҳнатининг катта фарқи шундаки, ёлланма ишчи бажарган иши учун ҳақ олади, охириги натижа уни қизиқтирмайди. Деҳқон эса охириги натижа учун меҳнат қилади. Чунки унинг ва оиласининг турмуш фаровонлиги нафақат бугун балки келажакда ҳам охир-оқибат якуний натижага боғлиқ.

Самарадорликни ортишининг асосий омили сифатида классик назария асосчиларидан А.Смит меҳнат тақсимотининг чуқурлашувини кўрсатган. Лекин бунда катта тўсиқ - талабнинг чекланганлиги – дейди у.<sup>11</sup>

Неоклассик назария: икки турдаги чекланганлик: а) моддий (жисмоний, физик) чекланганлик, яъни ресурсларнинг камёблиги; б) технологик, яъни билим даражаси ва малака (ресурсларни пировард маҳсулотга айлантиришдаги моҳирлик даражаси)даги чекланганлигига диққат қаратади.

Неоинституционал назария бу чекловларга жамиятнинг институционал таркиби туфайли чекланганлигини қўшади.

Аграр соҳада эса булардан ташқари - соҳа учун энг муҳим, унинг табиий шароитлар ва биологик қонунлар билан боғлиқлиги туфайли вужудга

<sup>11</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов (книга I-III)./Пер. с англ. Вводная статья и комментарии Е.М.Майбурда. – М.: “Наука” 1993. -572 с.

келадиган ва юқоридаги чекловларга ҳам ўз таъсирини ўтказадиган, яъни табиат томонидан қўйилган чеклов, деб айта оламиз.

Хўжалик ҳолати, меҳнатга мотивация қандай таъсир кўрсатиши, уни таҳлил қилиш учун “мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланиши ва унга мувофиқ равишда олинган даромад, микродаражада барча харажатлар, жумладан, ички трансакцион харажатлар (давр харажатлари) ҳисобига олинган даромад, рентабеллик кўрсаткичлари, макромикёсда эса давлат бюджетидан сарфланган бошқарув харажатлари (нодавлат, нотижорат ташкилотлари сарфларини ҳам қўшиб) эвазига олинган натижани киритиш зарурлиги асосланган.

Трансакцион харажатлар самарадорлигини куйидаги формула ёрдамида аниқлашимиз мумкин:  $S^{Tr} = Q/Tr$ ;

$$S^{Tr} = Q_1:Tr_1 / Q_0:Tr_0; P^{Tr} = F/Tr \times 100; S^{Tr} = Q/Tr \times 100; \quad (1)^{12}$$

Бунда:  $S^{Tr}$  – трансакцион харажатлар самараси, яъни бир бирлик маҳсулот яратиш учун сарфланган трансакцион харажатлар миқдори;  $Q$  – яратилган маҳсулот ( $Q_1$  - жорий,  $Q_0$  - базис);  $Tr$  – трансакцион харажатлар (давр харажатлари микро миқёсда; бошқарув харажатлари макромикёсда)  $Tr_1$  - жорий,  $Tr_0$  - базис);  $P^{Tr}$  - трансакцион харажатлар рентабеллиги;  $F$  – олинган фойда, соф даромад.

Диссертациянинг **“Мулкчилик ва рента муносабатларининг иқтисодий самардорлик билан ўзаро боғлиқлиги”** номли иккинчи бобида рентанинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиш самарадорлигининг назарий концепциялари ва мулкчилик муносабатларининг ер рентасини тақсимлаш механизмини такомиллаштиришга таъсири ўрганилган. Ҳар бир мамлакатда аграр ислохотларни ўтказиш доимо мулк ва рента муносабатлари билан боғланиши, юртимизда аграр ислохотларни ўтказишда соҳанинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий ҳамда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириладиган ернинг давлат мулки объекти сифатида қолдирилишининг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Тупроқ сифатининг турли-туманлиги туфайли вилоятлар, туманларнинг ер бонитет баллари бир-биридан катта фарқ қилади. Республикада ернинг бонитети 100 баллгача баҳоланиб, 41-50 баллик ер майдонлари энг кўп 25,5%, 51-60 баллик ер майдонлари умумий ер майдонининг 18 % ини ташкил этади.<sup>13</sup>

Рента хўжалик юритиш объекти сифатида ер унумдорлигининг фарқи натижасида ва монополия объекти сифатида қатъий чекланган ресурс бўлиши эвазига шу соҳага, шу тармоққа ишлаб чиқариш омилларини жалб қилиш учун зарур бўлган қўшимча даромад тарзида намоён бўлади.

Классик мактаб асосий диққатни ер рентасининг ҳосил бўлиши манбаи ва уни тақсимланишига қаратган бўлса, неоклассик мактаб вакиллари эса унга самарадорлик нуқтаи назаридан ёндашиб, ижобий баҳолаганлар. Унга кўра у ишлаб чиқариш омиллари баҳо даражасини таққослаш ва

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>13</sup> Ўзбекистон республикаси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти маълумотлари.

ресурсларнинг нисбатини белгилашга ёрдам беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, агар ердан фойдаланиш бепул бўлганда ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги бу қадар тараққий этмаган, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳозирги даражадаги сифатига, миқдорининг турли-туманлигига эришилмаган бўлар эди. Буни ўз ерида хўжалик юритувчиларга қараганда ижарачиларнинг ердан самарали фойдаланишлари ҳам исботлайди.<sup>14</sup>

Давлатнинг ерга эгалик қилиши, мулк объекти сифатидаги монополияни йўққа чиқармаслигининг сабаби, ернинг қатъий чеклангани бўлиб, ундан қайси мақсадда фойдаланишни танлаш зарурияти вужудга келадики, айнан абсолют (соф) рента мутлақ чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи иқтисодий механизм тарзида юзага чиқади.

Рентага неоинституционал ёндашувда ижтимоий танлов назариясининг муҳим йўналиши сифатида кўрилади. Унда рента излаш назариясига, жумладан сиёсий рента олишга диққат қаратилади. Иқтисодчилар бозор механизми вужудга келтирадиган рентани «ҳақиқий», сиёсий услублар билан яратиладиган рентани эса «қалбаки» деб аташади. Рента учун кураш уч таркибий даражада юз беради ва мувофиқ равишда натижа, оқибатларга олиб келади (қуйидаги 1-жадвал).

**1-жадвал.**

#### **Рента учун кураш даражаси<sup>15</sup>**

<b>Таркибий даража</b>	<b>Курашнинг мақсади</b>	<b>Натижа</b>	<b>Оқибат</b>
Биринчи даража	Имтиёзли ишлаб чиқариш шароити учун	Давлат органларида иш-лашга интилиш кучаяди.	Бошқарув органларида ишлаш учун кураш
Иккинчи даража	Устун даражада тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун	Сиёсий партиялар, компаниялар, қўшимча ахборот харажатлари сарфи	Лоббизм* ҳаракати
Учинчи даража	Субсидия, дотация, имтиёзли кредит кабилар учун	Давлат маблағларини тақсимлашда қатнашиш	Маблағларни тақсимлаш органлари, комиссияларидан ишлаш учун кураш

Рента олиш мақсадида давлатга таъсир кўрсатиш усуллари турли-туман. Маъмурий-бошқарув ходимларини сотиб олиш, махсус лоббистик ташкилотлар тузиш, сайловчиларни ташвиқот қилиш, босим кўрсатиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқшунослар ва экспертлар гуруҳини ёллаш кабилар.

Ер рентасини тақсимлаш механизми баҳо ва ер солиғи бўлиб, бу солиқ маҳаллий бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади. Ер асосий капитал сифатида бошқа асосий капиталлардан тубдан фарқ қилади. У эскирмайди, аксинча, агротехник тадбирларнинг вақтида ўтказилиши, илмий

<sup>14</sup> Мансуров А. П. и другие. Зарубежный опыт развития крестьянских (фермерских) хозяйств. [vestnik.ngie.ru](http://vestnik.ngie.ru) Вестник НГИЭИ (Нижегородский государственный инженерно-экономический университет), 2017, №9.

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган (\*Лоббизм – инг. Lobby – кулуар. АҚШнинг қонунчилик органлари қошида қонун чиқарувчилар ва мансабдорларга босим кўрсатувчи монополияларнинг идора ва агентликлари тизими).



асосланган инновацияларнинг тадбиқ этилиши ва бошқалар унинг сифати - ҳосилдорлигини оширишга олиб келади.

Қорақалоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида ҳосилдорлик билан ернинг ўртача бонитет бали ўртасидаги боғланишни (2010-2014-йиллар давомида) корреляцион-регрессион таҳлил асосида олиб борган тадқиқотимиз ҳам буни тасдиқлайди. У қуйидаги натижани берди:

$$Y = 0,3377X_1 + 0,0025X_2 + 0,2154X_3 + 1,6622; \quad (2)^{16}$$

бу ерда:  $Y$  – ҳосилдорлик, ц/га;  $X_1$  – тупроқнинг ўртача бонитет бали;  $X_2$  – бир га. ерга сарфланган ўртача умумий харажатлар, га/сўм;  $X_3$  – сув билан таъминланиш, га/минг м<sup>3</sup>.

Тупроқнинг ўртача бонитет балининг бир баллга ортиши ҳосилдорликнинг 0,3377 центнерга ортишига олиб келади. Харажатларнинг 100 минг сўмга ортиши ҳосилдорликни 0,25 центнерга оширишга олиб келади. 2018 йили кейинги 2015-2017 йил натижаларини ҳам қўшганда, ҳосилдорликка ернинг бонитет бали таъсирини ўрганиш учун олиб борган тадқиқотларимиз натижасида бу боғланиш қуйидагича ўзгарди.

$$y_i = 0,2971x_{il} + 9,8469 \quad (3)^{17}$$

Натижада кейинги уч йил давомида бонитет балл эвазига олинадиган пахта ҳосили гектарига 0,0406 ц/га камайган. Буғдой ва бошқа бошоқли экинлар бўйича ҳам шунга яқин. Ваҳоланки, 2008 йилларда бу боғланиш 0,4 ц/га., буғдой 0,6 ц/га ни ташкил этган.

Бунинг биринчи сабаби, қисқа муддатли даврда ер унумдорлигининг пасайиши қонунининг амал қилиши бўлиб, қишлоқ хўжалигида аввалги даражада ҳосил олиш учун аввалгидан кўпроқ капитал қуйилмалар талаб қилинади;

иккинчидан, тадқиқотимиз кўрсатдики, талаб қилинадиган капитал у келтирадиган даромадга нисбатан паст, яъни деҳқон сарфлаган қўшимча харажати эвазига оладиган даромади нарх пастлиги сабабли сарфидан 2-2,5 марта кам. Бунда Самуэльсон парадоксининг юз бериши ҳам муҳим рол ўйнайди;

учинчидан, ижарачи ернинг бонитет бали кўтарилишидан манфаатдор эмас. Чунки контрактация шартномаси ҳар йили тузилар экан, у биринчидан, қўшимча ер солиғига дучор бўлади; иккинчидан, шартномада бонитет балига кўра етиштириб бериладиган маҳсулот ҳажми кўпайтирилади. Шунинг учун ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер рентасини тақсимлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбекистонда институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларининг ҳозирги ҳолатини таҳлили**” деб номланган бўлиб, унда иқтисодийнинг трансформациялашуви жараёнида институционал ўзгаришларнинг методологик жиҳатлари, микродаражадаги институционал ўзгаришларнинг хўжалик юритиш шакллари самарадорлигига бўлган таъсири, уларнинг истиқболи ва оптимал ҳажмини белгилаш муаммолари тадқиқ этилган.

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси.

Маълумки, реал иқтисодийнинг асоси хўжалик юретишнинг ривожин билан, бутун тарихий тараққиёти билан такомиллашиб боради. Унинг натижалари ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига мувофиқ суръатда ўзгаради.

Бизнинг вазифамиз: а) хўжалик фаолиятининг бош, доимий асосини, уларнинг ўзгариш йўналишини аниқлаш; б) реал иқтисодийнинг инсоният ҳаётидаги роли, яъни инсон учун нима беради? деган саволга жавоб бериш; в) индивидлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қандай таркиб топиши, ўзгаришини ҳисобга олиш.

Уларнинг бир-бирини тақозо қилиши, боғлиқлиги ва муносабатларнинг тутган ўрни жиҳатидан икки гуруҳ: ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатларга ажратамиз. Шунга мувофиқ равишда иқтисодий фаолиятнинг том маънода хужайраси бўлган хўжалик юретиш шакллари ўрнини аниқлашимиз зарур.

Иқтисодий назариянинг қатор масалаларда орқада қолиши, шулардан бири бўлган эволюцион тараққиёт, институтлар, жумладан, давлатнинг роли, жамиятнинг маданияти, психологияси, мафкураси билан боғлиқлиги, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, институционал таркибини ҳисобга олиш лозимлиги, иқтисодийни бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва унинг келажагини илмий асослаш учун имкон берадиган бир бутун тизим сифатида қарайдиган моделнинг йўқлиги неоинституционал назарияга таянган ҳолда шундай моделни ишлаб чиқишга ундади (1-расм).

Модел биринчидан, жамият тараққиётининг эволюцион ривожланишини тушунтириб беради; Иккинчидан, нима сабабдан жамият тараққиётида қонунлар ва уларга амал қилишнинг зарурлиги, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий муносабатлар, уларнинг жамият мафкураси билан мослашиши, мувозанатнинг бузилишига кўра уни балансловчи, янги қонунлар қабул қилиш, ўз аҳамиятини йўқотган, тараққиётга тўсқинлик қилувчиларини бекор қилиш орқали эришишни кўрсатади; Учинчидан, мулкни ҳуқуқлар дастасининг бир бутунлигини қамраб олган иқтисодий-ҳуқуқий категориянинг бирлиги сифатида қарайди. “Мулк ҳуқуқи дастаси”нинг тақсимланишига кўра турли-туман шаклларга бўлиниши: а) рақобат муҳитининг яратилиши ва танлов доирасининг кенглиги, ҳар бир инсон учун ўз манфаати ва имконияти доирасида танлаш имконига эга бўлиши, мулк ҳуқуқи ва трансакцион харажатларнинг микдорига кўра хўжалик юретиш шакллари, институтларнинг микро микёсдан макромикёс даражасигача ташкилий тузилмалари, бошқариш усуллари танлаш, талабга жавоб бермайдиганларига барҳам бериб, янгиларини яратишга йўналтирилишини кўрсатади.

Классиклар диққатни ижтимоий-иқтисодий муносабатларга қаратишган бўлса, неоклассиклар ташкилий-иқтисодий муносабатларга эътибор беришган. Неоинституционал йўналиш вакиллари эса асосий эътиборни институтларга қаратишади. Улар илгари сурган фикрларининг тўғрилигини, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, институционал таркибини ҳисобга олмай неоклассик назариянинг универсал методлари асосида иқтисодий сиёсат юретиш хатарли ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келишини ҳаёт кўрсатди.

**ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИ**

**ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар**

Мулкчилик муносабатлари (алоқалари)

Ишлаб чиқаришдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

Тақсимотдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

**Ташкилий-иқтисодий муносабатлар**

Меҳнат тақсимооти ва кооперация

Хўжалик юрисишнинг ташкилий шакллари

Иқтисодийнинг бошқариши

Мулк ҳуқуқи тақсимооти ва трансакцион харажатлар миқдори

**ЖАМИЯТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛИШИ**

Жамиятдаги расмий (Конституция, ва қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар) чекловлар

Жамиятдаги норасмий (урф-одат, ўдум, анъаналар, қонда, ахлоқ кодекси ва бошқалар) чекловлар. Мафкура

Қону-қондаларга риоя қилишни таъминловчи механизмлар(судлар, полиция(милиция) ва бошқа маълумий халқа ижтимоий механизмлар)

Институционал тарқиб ва ташкилий тузилмалар (сиёсий органлар ва ишоралар, нодавлат, ношкорат ташкилотлар, ижтимоий ва таълим муассасалари қабилар)

**1-расм. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими модели<sup>19</sup>**

<sup>18</sup> Муаллиф ишланмаси

Иқтисодиёт фанлари соҳасида Нобел мукофоти лауреати Д.Норт институционал ўзгаришларнинг икки сабабини кўрсатади: қиёсий нархлар таркиби даги ўзгаришлар ва мафкура. Бизнинг фикримизча, булардан ташқари ҳар бир мамлакатнинг ўз олдига қўйган жамият ривожланиши истиқболнинг стратегияси, мақсадлари ҳам институционал ўзгаришларга олиб келади. Бунда, албатта, миллий ғоя, иқтисодий тараққиёт даражаси муҳим рол ўйнайди.

Аждодлар томонидан узатиладиган ахборотлар институтлар орқали узатилади. Институтлар ўтмишни ҳозир ва келажак билан боғлайди. Тарих устун даражада узлуксиз институционал ўзгаришлар, тараққиёт жараёнига айланади.

Жамиятнинг институционал таркиби - бу бизга бирон бир ишни қилиш ёки қилмасликни белгиловчи чегара. Улар қонун билан белгиланган доира ва унга қай даражада қаттиқ риоя қилиш урф-одат, анъаналар ҳамда бунга атрофдагиларнинг муносабати бўлиши мумкин.

Расмий институтлар иерархик тизимни, иқтисодиётни тартибга солувчи инфратузилмани, ҳуқуқий қатламни ташкил қилиб, биринчи энг юқори юза - расмий қатлам сифатида эътироф этилади. Ҳуқуқий меъёр, нормаларнинг бажарилишини кафолатловчи механизмларга иккинчи оралиқ қатлам сифатида қаралади.

Норасмий институтлар умум қабул қилинган қоидалар, шартлар ва ахлоқ кодексини ўз ичига олади. Улар урф-одат, удум, анъана, «қонун» ёки норматив қоидалар бўлиб, улар ёрдамида тартибга солиш одамларнинг биргаликда яшашлари туфайли шаклланган. Улар расмий институтларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади. Уларнинг манбаи – маданиятдир. Оиланинг обрўси, профессионал ва диний этика, оилавий ва дўстона муносабатлар назорат механизми тарзида намоён бўлади. Уларга риоя қилишдан ҳар бир киши манфаатдор. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосини айнан ана шу «қундалиқ асос (одатлар ва интуитив тахмин, афзал кўриш, қадриятларни мўлжалга олиш кабилар)» ташкил қилади.

Мамлакатдаги иқтисодий, жумладан, бозор жараёнларини бошқарувчи объектив қонуниятларни ана шу теран ҳодисаларни ўрганиш асосидагина тушуниш мумкин. Қабул қилинган қонунларни амалда қўллаш, риоя қилишнинг тезда юз бермаслигининг муҳим сабабларидан бири ҳам шунда. Одамлар узок вақт давомида синаб кўрилган, оқибати қандай бўлишини билган танлов асосида қарор қабул қилишни маъқул кўришади. Янгилик қандай оқибатга олиб келиши ноаниқ. Улар институтларнинг маданий-психологик ва ижтимоий-маданий таркиби ва мамлакат аҳолисининг сифат жиҳатдан ўзига хослигини белгилайди. Бу норасмий институтлар учинчи теран асос-базис қатламни ташкил қилади.

Ташкилий тузилмалар маълум бир мақсадни амалга ошириш учун яратилади. Улар таркибига сиёсий органлар ва идоралар, жамиятнинг иқтисодий тузилиши, таркиби, ижтимоий ва таълим муассасалари, турли нодавлат, ноижорат ташкилотлари киритилади. Институционал муҳит қандай ташкилий тузилмалар вужудга келиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ва назарий жиҳатдан ўрганишда инсон моделига, яъни маълум ижтимоий-иқтисодий тизимда инсоннинг умумий қиёфаси ҳақида унинг фаолиятининг турли-туман мотивларига алоҳида аҳамият берилади. Ресурсларни қандай ишлатиш ҳақида инсон қарор чиқарар экан, турли вариантлардан энг рационалини танлаши лозим. Шунинг учун “иқтисодий фикрловчи одам (homo economicus)”нинг саъй-ҳаракати, танлови, субъектив мотивларга, танловга таъсир кўрсатади, ўз манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиб, рационал хўжалик юритиш қонунларини излашга диққатини қаратади.

Ресурсларни самарали ишлатиш учун эса аввало ишлаб чиқариш жараёни ва унинг ташкилий шаклини танлаш зарур. Бу танловни ҳар бир киши “мулк ҳуқуқи дастаси”га эгаллиги ва трансакцион харажатларга кўра амалга оширади. Бу жиҳатдан аграр соҳада мулк ҳуқуқи дастасининг барча элементлари хўжаликнинг яқка ўзига тегишли бўлиши туфайли хўжаликни самарали юритишга мотивация ниҳоятда кучлилиги, трансакцион харажатлар камлиги (бошқариш, меҳнат мониторинги каби харажатлар йўқ. Битимлар асосан оғзаки тузилади ва шу заҳотиёқ амалга оширилади) деҳқон хўжаликлари самарадорлиги юқорилигини назарий жиҳатдан асосланиши амалда уларнинг ҳайдаладиган ерларни 12,5%, экин майдонлари 13,6 %ини банд қилгани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60-70%ини етиштиришлари билан тасдиқланади.

Бу хўжаликларда қўл меҳнати устун бўлиб, улар чорвачилик маҳсулотлари етказиш ва кичик хўжаликлар афзаллигига мос ишлаб чиқариш билан шуғулланишди. Деҳқон хўжаликларида 2018 йили сабзавотнинг деярли 71,8 %и, полиз маҳсулотларининг ярмидан кўпи, меванинг 59,8%и, узумнинг 54,7 %и, картошканинг 84,6%и, гўштнинг (тирик вазнда) 92 %и, сутнинг 95,5%и, жуннинг 88,3 %и, тухумнинг 58,1%и, қоракўл терининг 83,3 %ини етиштирилган.

Тадқиқотимиз кўрсатадики, бу хўжаликлар учун энг муҳим муаммо - бу чорва учун ем-ҳашак етишмаслигидир. 2018 йили 2000 йилга нисбатан қорамоллар, қўй-эчкилар сони 2,6 мартадан кўпроққа ўсгани ҳолда озуқабоп экин майдонлари деярли 1,6 мартага қисқарган. Бу ерда ҳали сони йилдан йилга ортиб бораётган отлар, парранда ва бошқалар ҳисобга олинмаган. Бундан ташқари дон экинлари, пахта ҳосилдорлигининг ҳам чегараси бор. Бу эса омукта ем масаласига уланиб кетади. Натижада йилдан йилга озуқа таъминоти қийинлашиб, чорва маҳсулотлари нархининг ортиб боришига олиб келмоқда.

Деҳқон хўжаликлари бошқа хўжалик шаклларида энг самарали ҳисобланади. Лекин уларнинг энг муҳим камчилиги шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари: пахта, ғалла, қанд лавлаги ва бошқаларни ишлаб чиқариш тамомила бошқача миқёсдаги кўлам, ресурслар, техника, технология ва бошқаларни талаб қилади. Бундай катта ҳажмдаги маҳсулотларни майда хўжаликларда етиштириш трансакцион харажатларнинг ҳаддан ташқари кўпайишига, инновацион технология-

ларни қўллаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини жорий этиш имконияти камайиши, оқибатда жамият миқёсида самарадорликнинг пасайишига олиб келади.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва мотивацияси жиҳатидан деҳқон хўжаликларидан сўнг туришига қарамай, катта имкониятларга эга. Сабаби, мулк ҳуқуқи дастасидаги барча ҳуқуқларнинг ёки «Оноре рўйхати»нинг асосий қисми, жумладан ишлаб чиқариш натижаси фермерларга тегишли бўлиб, улар қолдиқ даромадга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Бу ер ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга кучли мотивация яратади.

Агар 2000 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари умумий ялпи маҳсулотнинг 30,7 %ини, фермер хўжаликлари эса атиги 8,4 %ини ишлаб чиқаришган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич мос равишда 2,7 ва 27,6 %га етди.

Хўжалик юритиш шакллари ишлаб чиқариш самарадорлигининг таҳлили (2-жадвал) асосида Ўзбекистонда йилдан йилга ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. 2000-2018 йиллар давомида бу кўрсаткич 219 фоизга ўсган. 2018 йилда республикамизда 1 га экин майдони ҳисобига ўртача 13179,3 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилот (ҚХФАТ)ларда - 8588 минг сўмлик, деҳқон хўжаликларида – 61611,6 минг сўмлик, фермер хўжаликларида - 5455,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

## 2-жадвал.

### Хўжалик юритиш шакллари бўйича ишлаб чиқариш самарадорлиги<sup>19</sup>

Хўжалик юритиш шакллари	1 га. ер майдонида яратилган ялпи маҳсулот, минг сўм/га (2015 йил нархларида)				1 га. ер майдонида яратилган ялпи маҳсулот, ўртача аграр секторга нисбатан, % да				Гектаридан олинган ЯМ, 2018 йили 2000 йилга нисбатан, %
	Йиллар				Йиллар				
	2005	2010	2015	2018	2005	2010	2015	2018	
ҚХФАТ *	2878	6624	9621	8588	47,9	82,8	83,9	65,1	298,4
Деҳқон хўжаликлари	30568,4	39517,2	58021,2	61611,6	509,2	494,7	506,3	467,5	201,5
Фермер хўжаликлари	2485,3	3298,6	4410,6	5455,5	41,4	41,3	38,5	43,4	219,5
Барча хўжаликлар	6002,4	7987,8	11459,5	13179,3	100	100	100	100	219,6


\* ҚХФАТ - Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар.

Бунинг сабаби, фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришида чорвачиликнинг улуши атиги 4,4 – 5,4%ни, деҳқончиликнинг улуши эса 94,6-95,6%ни ташкил этади. Улар пахта хомашёсининг 99 %и, буғдойнинг 80%ини етиштирадilar, 34 % экин майдонига ғўза, 40%ига – буғдой экилади. Асосий экинлар ҳосилдорлиги бўйича фермер хўжаликлари деҳқон хўжаликларидан кейин

<sup>19</sup> ЎзРси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



иккинчи ўринда туришади (2-расм). Ҳосилдорлик ҚХФАТларга нисбатан эса юқори.



**2-расм. Фермер хўжаликларидида ҳосилдорлик даражаси, % да<sup>20</sup>**

Фермер хўжаликларидида трансакцион харажатлар деҳқон хўжаликлариға нисбатан кўп. Ички трансакцион харажатлар, асосан иш кучини ёллаш, маҳсулотларни сотиш ва бошқалар билан боғлиқ бозор трансакцион харажатлари кўп. Чунки хўжаликнинг фаолияти шартномалар тузиш ва бажарилиши билан чамбарчас боғлиқ. Фермер эса доимо харажатларни пасайтиришдан манфаатдорлиги учун уларни минималлаштиришға ҳаракат қилади. Бу эса фермер хўжаликларининг энг катта ютуғидир (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Хўжалик юритиш шакллари бўйича меҳнат унумдорлигининг ўзгариши (ўртача бир ишловчи томонидан яратилган қўшилган қиймат, минг сўм)<sup>21</sup>**

Хўжалик юритиш шакллари	Йил				2018 й. 2005 й.га нисбатан % да
	2005	2010	2015	2018	
ҚХФАТ	724,6	1241,5	1036,9	942,6	130,0
Деҳқон хўжаликлари	1916,3	4332,9	9953,1	16432,6	8,5 марта
Фермер хўжаликлари	1256,9	2935,5	7834,5	11328,4	9,0 марта
Барча категория хўжаликлари	1411,4	3601,4	7898,2	12536,1	8,9 марта

3-жадвал маълумотлари кўрсатиб турибдики, қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнат унумдорлиги йилдан-йилға ўсиб бормоқда. 2005-2018 йиллар давомида республикамизда бир ишловчи ҳисобига яратилган қўшилган қиймат ўртача 8,9 марта ўсган бўлса, фермер хўжаликларида энг юқори – 9,0 марта, деҳқон хўжаликларида 8,5 марта, ҚХФАТларда энг паст -130,1%ға ўсган. Лекин аграр соҳада меҳнат унумдорлиги даражаси саноатға нисбатан пастлигича қолмоқда ва 27,6 мартаға фарқ қилади.

<sup>20</sup> ЎР Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Тадқиқотимиз кўрсатадики, аграр соҳада институционал ўзгаришларнинг амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор равишда ўсиб боришига эришилди. Пахтачиликда ҳосилдорлик бўйича 1990 йил даражасига етмаган бўлсакда жаҳон миқёсига нисбатан эришган натижамиз ёмон эмас. Пахта майдонларининг қисқартирилиши нафақат республикамиз, балки умумжаҳон тенденцияси бўлиб, ҳосилдорлик унга таъсир этувчи омиллардан келиб чиққан ҳолда зиг-заг тарзда ўсган. Республикамиз дунё бўйича экин майдонининг 3,6-3,9 фоизини ташкил этгани ҳолда энг кўп пахта етиштирадиган 6 мамлакат орасида 5-ўринда, ҳосилдорлик даражаси жиҳатидан 2018 йили 4 ўринни эгаллади.<sup>22</sup>

Тадқиқотлар республикада ўртача рентабеллик даражаси пахта етиштириш бўйича 2005 йили 16,6%, бошоқли дон бўйича 2009 йили 31,2 % - энг юқори бўлган. 2017 йил пахта етиштириш - 0,8 % зарар билан бошоқли дон 11% рентабеллик билан яқунланди. 2018 йилда вазият рентабеллик жиҳатидан яхшиланмади. Трансакцион харажатларни кўшсак, рентабеллик даражаси 1,5-2 марта пасайиб кетади. Сабзавот, полиз, мева, узум, асал етиштиришда эса барқарор равишда рентабеллик ўртача 25-35 фоиз, айрим вилоятларда эса 50 фоиз ва ундан юқори даражада.

#### 4-жадвал.

#### Фермерлар томонидан суғориладиган ер майдонлари унумдорлигидан фойдаланиш самарадорлиги<sup>23</sup>

Вилоятлар	Ернинг бонитет баши	Бонитет балл коэффициенти	Бир бонитет балл эвазига етиштирилган, кг.				Тупроқнинг унумдорлигидан фойдаланиш коэффициенти			
			Пахта хомшёси		Бўғдой, кг.		Пахта хомшёси		Бўғдой	
			ЙИЛЛАР							
			2010	2018	2010	2018	2010	2018	2010	2018
Қорақалпоғистон Рес.си	41	0,745	45,4	50,0	56,1	53,2	0,979	0,847	0,506	0,530
Андижон	57	1,036	51,4	47,0	100,8	103,4	1,108	1,109	1,266	1,432
Бухоро	51	0,927	58,8	57,5	110,4	112,6	1,268	1,212	1,240	1,395
Жиззах	51	0,927	43,0	37,1	49,8	64,9	0,927	0,782	0,656	0,792
Қашқадарё	52	0,945	50,6	51,4	88,6	76,7	1,091	1,106	1,013	0,968
Навоий	53	0,963	54,7	53,1	90,4	98,4	1,179	1,163	1,055	1,267
Наманган	59	1,090	46,2	42,1	80,0	90,6	0,996	1,026	1,039	1,300
Самарқанд	57	1,038	42,8	43,8	99,1	60,3	0,923	1,033	1,244	0,834
Сурхондарё	56	1,018	50,3	46,9	86,1	82,6	1,084	1,086	1,061	1,123
Сирдарё	51	0,927	39,2	38,1	87,2	80,8	0,845	0,804	0,980	1,000
Тошкент	59	1,073	40,8	33,7	74,1	58,8	0,880	0,823	0,962	0,842
Фарғона	56	1,018	50,0	40,2	99,3	69,6	1,078	0,930	1,224	0,946
Хоразм	53	0,964	47,9	49,3	81,3	81,3	1,033	1,081	0,949	1,046
Ўзбекистон	55	1,000	46,36	44,0	82,5	74,8	1,000	1,000	1,000	1,000

<sup>22</sup> ICAC – International cotton advisory committee. <https://www.icac.org/>

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2010-2018 йиллар бўйича маълумотлар фермерлар суғориладиган ерлар имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаётганини кўрсатмоқда (4-жадвал).

Андижон, Бухоро, Навоий вилоятларида тупроқ унумдорлигидан фойдаланишда пахта ва буғдой етиштиришда энг юқори натижага эришилган ҳолда, Жиззах ва Тошкент вилоятларининг аксарият хўжаликларида доимо паст бўлган. Қашқадарё, Хоразм вилоятлари фермерлари пахта хомашёси етиштириш бўйича тупроқ унумдорлиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланишган бўлса, буғдой етиштириш бўйича аксинча. Наманган, Сирдарё вилоятлари хўжаликлари буғдой экилган майдонларда тўлиқ фойдаланишган бўлса, пахта хомашёси етказиш бўйича тўлиқ фойдаланишмаган. Қорақалпоғистон Республикасида пахта етиштиришда ернинг унумдорлигидан фойдаланиш буғдой етиштиришга караганда анча юқори ҳамда имкониятдан тўла фойдаланиш даражасига яқин, лекин буғдой етиштириш бўйича республикамизда энг паст натижани кўрсатишмоқда.

Соҳа бўйича олимларнинг тадқиқотлари кўрсатадики, ернинг бонитети ҳосилдорликни 70 % гача таъминлайди, қолгани бошқа турли омиллар эвазига шаклланади. Бунда фермер шахси, унинг тажрибаси ниҳоятда муҳим рол ўйнайди; давлат томонидан яратилган шарт-шароит алоҳида аҳамиятга эга.

Қайси хўжалик шакли самаралироқ деган саволдан сўнг унинг оптимал ҳажми қандай бўлиши керак? деган савол қўйилади. Аграр соҳада эса ер майдонининг оптимал миқдорига диққат қаратилади. Бу савол неоклассик назарияда марказий муаммо бўлиб ҳисобланади. Неоинституционал назарияда эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъект томонидан трансакцион харажатларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ҳал этилади. Бизнингча, аграр соҳада, ер майдонининг оптимал миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ер унумдорлиги, сув таъминоти, моддий, техник ресурслар, ходимларнинг билим, малака даражаси ва бошқалар фарқланади. Бундан ташқари аҳолининг 50 фоизи қишлоқда яшаши ва 27,6 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалигида бандлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ижарага бериладиган ер майдонининг фаолият юритиш ва экин турларига кўра минимал даражаси белгилангани маъқул.

**“Трансакцион харажатлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари”** деб номланган тўртинчи бобда инфратузилма ва унинг трансакцион харажатларни камайтиришдаги роли, иқтисодий ресурслардан фойдаланиш, консалтинг хизматини кўрсатиш самарадорлиги масалаларига эътибор берилган.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, замонавий қишлоқ инфратузилмасини шакллантирмай туриб, аграр соҳа самарадорлигини ошириб бўлмайди. Бу тизимни яратиш эса институционал ўзгаришларни талаб қилади. Машхур неоинституционал йўналиш вакиллари иқтисодиётнинг трансакцион секторининг кенгайишини «биринчи даражали аҳамиятга эга таркибий

силжиш» деб аташ мумкин, дейишади. Айнан, трансакцион харажатлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар орасидаги контраст, катта фаркни тушунтиришнинг калити вазифасини ҳам ўтайди.

Тадқиқотимиз кўрсатадики, фермер хўжаликларида пахта хомашёси ва буғдой етиштиришдаги харажатларда кўрсатиладиган бир хил хизматлар нархи вилоятлар бўйича фарқланади. Масалан, 1 га майдондан буғдой ўриш Бухоро, Сирдарё вилоятларида 110-120 минг сўм, Жиззах, Хоразм, Тошкент, Фарғона вилоятларида 155-163,5 минг сўм. 1 га ерни ҳайдаш эса республикамизда 90 минг сўмдан 180 минг сўмгача фарқ қилади.<sup>24</sup> Муҳими шундаки, маҳсулот яратиш учун харажатларнинг 60-70 фоизи шартномалар асосида шаклланиб, уларни пасайтириш учун фермерларнинг имконияти деярли йўқ.

Маҳсулотни сотиш жараёнида сотиб олувчи ташкилотларнинг, монопол мавқеи туфайли фермер хўжалиklarининг маҳсулотни сақлаш, қуритиш, ташиш, ўлчаш жараёнидаги йўқотишлари, ортиқча сарфлари трансакция харажатларининг ортиб кетишига олиб келади, уларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилмагани туфайли одатда фермерлар ютқазадилар.

Фермерлар ўртасида ўтказилган сўровномаларга кўра Паркент туманининг 11 та фермер хўжаликлари инфратузилма объектларига кўрсатган хизматлари учун 3712,0 минг сўм ортиқча трансакция харажатлари сарф қилган. Хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари ҳам фермер хўжалиklarига нисбатан устун мавқеига эга. Бу ташкилотларга бориб-келиш йўл харажатлари умумий харажатларнинг 2,5 %ига тенглиги, йирик агрофирмалар билан шартнома асосида маҳсулот етказиб беришда 5-7 фоизи нобуд бўлиши аниқланган.<sup>25</sup> Буларнинг ҳаммаси охир-оқибат молиявий ҳолатга таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида ҳозирги кунда ресурслар, жумладан сув сарфи юқори. Тадқиқотимиз кўрсатадики, 1985 йилда бир гектарга 22,4 минг м<sup>3</sup> сув сарфланган бўлса, 2005 йилда 16,0 минг м<sup>3</sup>, 2009 йилда 9,5 минг м<sup>3</sup>, 2010 йилда эса 12,2 минг м<sup>3</sup>, 2018 йилда эса 13,5 м<sup>3</sup> сув сарфланган. Хўжаликларда табиий шароитнинг турли-туманлиги туфайли сув етказиб бериш ўртача харажатларининг табақаланиш даражаси юқори, жумладан, сув насосларидан фойдаланувчи хўжаликларда бир метр куб сув учун харажатлар оддий суғоришдан 8,5 -9 мартагача фарқ қилади.

Фермер хўжаликларида яна бир муаммо техника таъминоти бўлиб, дала ишлари МТП ва фермерларнинг техникалари билан бажарилади. Қишлоқ хўжалигида умумий мақсадда ишлатиладиган 100 от кучи ва ундан ортиқ қувватга эга бўлган тракторлар билан таъминланиш даражаси 78,8 фоиз, ерни экишга тайёрловчи техника таъминоти 10-12 фоиз атрофида. Энг юқори даражада универсал культиватор билан таъминланганлик - 87,6 фоиз.

<sup>24</sup> Холмирзаев И. Баҳо мутаносиблигини таъминлаш // Агроиктисодиёт, 2017, №1, -Б. 70.

<sup>25</sup> Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. Т.: “Фан ва технология”, 2017. -Б. 108.

Пахта териш машинаси талабнинг 12,8 фоизи, дон йиғиш комбайнлари – 62,3 фоиз даражасида. Қатор техника турларининг ишлатилиши 20 йилдан ошган. Бу технологик жараёнларни бажаришда муаммолар вужудга келишига олиб келади.

Фермерларга қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг ва банк кредитлари эвазига сотиб олиш учун катта имконият яратилиши туфайли муаммо ечими ижобий томонга ўзгармоқда.

Диққат қаратиш зарур бўлган муаммолардан қишлоқ хўжалик экинларига бериладиган минерал ўғитларнинг миқдор ва таркиб жиҳатдан илмий асосланган меъёрларга мос эмаслигидир. Жумладан, фосфорли ўғитлар 3,4-3,9 марта, калийли ўғитлар 50-52 марта кам. Азотли ўғитлар таъминоти нисбатан меъёрга яқин бўлиб, 1 га ерга ўртача 24-50 кг. фарқ қилади холос.

Аграр соҳадаги муҳим муаммолардан яна бири шартномаларни бажариш. Контрактларда ҳаётда юз бериши мумкин бўлган барча ҳодиса, вазиятларни 100 фоиз ифодалаш ва амалга ошириш қийин. “Давергеодезкадастр” кўмитаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида 2016 йилда 3 минг 600 га яқин фермер хўжалиги ғалла ва пахтани шартномада қайд этилганига нисбатан 19 минг гектар ерга кам эккани аниқланган. 833 та фермер хўжалиги эса 13 минг гектар ерда пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартнома тузган бўлсада, амалда бу экинларни умуман экмаган»<sup>26</sup> 2017 йилда биргина Наманган вилояти фермерлари томонидан 9630 т. дон, 37890 т. пахта хомашёси шартномадан кам етказиб берилди. 2018 йилда республикада пахта ва бошоқли доннинг ҳосилдорлиги пасайгани туфайли ҳолат янада мушкуллашди.

Фермер хўжаликлари билан инфратузилма таркиблари ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўзгармаяпти ёки аксинча ортиб бормоқда. Бунинг муҳим сабабларидан нархларнинг пастлиги, сотилган маҳсулотнинг пулларини вақтида олишолмаслиги. Агротехник тадбирларни вақтида ўтказмаслик катта йўқотишларга олиб келади. Натижада ишлар қарзга бажарилади.

Бешинчи боб **“Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими” моделида давлатнинг аграр сиёсати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари**” деб номланган. Унда жаҳон тажрибаси асосида давлатнинг аграр сиёсати ва соҳани диверсификациялаш, институционал ўзгаришларни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими модели мувозанатини таъминлашни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Аграр сиёсатга неоинституционал нуқтаи назардан ёндашсак, соҳада барча муносабатларни қамраб олган институционал ўзгаришларни реал амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мотивацияни кучайтириш, трансакцион харажатларни камайтириш учун институционал

---

<sup>26</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2017 йил 9 декабрь// Халқ сўзи. 2017 йил 10 декабрь сони

муҳитни ўзгартириш, расмий институтларни ўзининг вазифаларини бажаришини таъминловчи таъсирчан механизмини, янги таркиб ва ташкилотлар яратиш кабиларни ўз ичига олади.

Классик ва неоклассик назария вакиллари иқтисодий ўсиш назариясида анъанавий равишда асосий ва инсон капиталига инвестиция омилини устун қўйишса, неоинституционал назария эса инвестицияни институтларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва институтлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали инновация ва билим олишни ривожлантириш билан изоҳлашади. Барча мамлакатларда қишлоқ хўжалиги давлат томонидан қўллаб қувватланиши, айниқса ривожланган мамлакатлар, АҚШ, ЕИ, Япония ва бошқаларда алоҳида диққат қаратилиши, республикамизда ҳам аграр соҳани қўллаб-қувватлашнинг асосий тенденция, йўналишлари тадқиқ этилган.

Рақобатнинг кучайиб бориши, талаб ва таклиф мувозанатини сақлашнинг бошқа тармоқларга нисбатан қийинлиги, олинган ҳосилни сотиш, қайта ишлаш, сақлаш масалаларини ҳал қилишнинг жаҳон тажрибасида синалган йўли диверсификациялаш бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини талаб даражасига мослаштиришга ёрдам беради.

Қишлоқда диверсификацияни амалга оширишда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, агросаноат-молия гуруҳларининг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга.<sup>27</sup>

Диверсификациянинг жаҳон амалиётидаги муваффақиятли ташкилий-иқтисодий шаклларида замонавий барқарор кооперацион ва интеграцион алоқаларга хос тузилма - кластерлардир. Кластер хомашё ишлаб чиқаришдан тайёр пировард маҳсулотни истеъмолчига етиб беришгача бўлган занжирни ифодалайди. Кластер ёндашуви хусусий сектор билан давлат органларининг ҳамда савдо, таълим тизими ва илмий тадқиқот институтлари билан инновацион жараёнларни амалга ошириш учун самарали ҳамкорлик қилиш, инвестицион фаоллик, инновацион фаолиятни тезлаштириш асосида рақобатбардошликни оширишни таъминлаши назарда тутилади. Энг муҳими илмий-тадқиқот, таълим марказлари, илмий ишлаб чиқариш бир бутун бўлиб бирлашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармони, 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сонли Қарорига асосан мазкур стратегияни амалга ошириш бўйича тажриба-синов ишлари бошлаб юборилди.


“Buxara cotton textile” ўз моҳиятига кўра миллий иқтисодиётимиз учун янги, саноатнинг илғор тури - кластер схемасини яратиш ва жорий этиш асосида “пахта хом ашёсини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” шаклидаги ёпиқ занжирдан иборат, бечикит ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигида диверсификацияни амалга ошириш учун катта миқдорда капитал қуйилмалар талаб этилади.

<sup>27</sup> Тожибоева Д. Кўп укладлик шароитида аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари. Монография. -Т.: “Fan va texnologiya”. 2012, 306-б.



Асосий капиталга сарфланган инвестициялар умумий инвестицияларнинг 5,8-10,7 фоизини ташкил этади, соҳанинг ЯИМдаги улуши эса, 32-34 фоиз.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлаш учун иқтисодиётга унинг ҳажмига нисбатан 25-30 % миқдорда инвестицияларни жалб қилиш талаб қилинади. Республикамизда 1990-2018 йиллар давомида у 26,3 фоиздан 34,1 фоизгача тебраниб турди (3-расм).



**3-расм. Асосий капиталга инвестициялар ва уларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидagi улуши.**<sup>28\*</sup>

Аграр соҳада асосий капиталга инвестицияларнинг улуши тармоқнинг ялпи маҳсулотига нисбатан атиги 2,3-6 фоизни ташкил қилади, яъни талаб қилинган ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган инвестициялар миқдоридан 5-10 марта кам. Жаҳон амалиёти кўрсатадики, сарфланган капитал – инвестиция эвазига қайтимни таъминлаш инвестицияни жалб қилишдан ҳам муҳимроқ. Чунки 80 йилларда собиқ Иттифокда ҳам инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг ҳозирги даражасида – 30 % атрофида бўлган. Лекин инвестициянинг қайтими тамомила бошқача: биринчисида турғунлик ҳукм сурган бўлса, ЖШО мамлакатларида иқтисодий ўсиш 6-10% ни ташкил этмоқда.

Республикада асосий капиталга сарфланган бир сўмлик инвестиция эвазига иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган қўшилган қиймат 2,9-4,3 сўмни ташкил этгани ҳолда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 12,8-15,6 сўм ёки иқтисодиётнинг ўртача даражасидан 4 мартага кўп (4-жадвал).

Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига инвестициялар сарфи эса камайиб бормоқда. Давлатнинг аграр соҳага кўрсатадиган барча ёрдамнинг ҳажми ва миқёсини аниқлаштириш ва бошқа мамлакатлар билан таққослаш асосида макро миқёсда инвестицияларни қанчага ошириш мумкинлигини

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

белгилаш, ҳеч бўлмаганда бюджетдан сарфланадиган улушни тармоқлар ўртача даражасига етказиш ва энг долзарб лойиҳаларни молиялаштириш зарур.

**4-жадвал.**

**Иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ва унинг самарадорлиги<sup>29\*</sup>**

	ЙИЛЛАР					2018 йил 2010 йилга нисбатан, марга
	2010	2015	2016	2017	2018	
Иқтисодиётда асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	16463,7	44810,4	512323,0	72155,2	124231,3	7,5
Аграр соҳада асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	1655,0	4515,4	4795,3	6110,6	7991,9	4,8
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати, млрд. сўм.	64578,4	190036,2	220064,0	267744,8	361072,7	5,6
1 сўмлик инвестиция ҳисобига яратилган ўртача ҚҚ, сўм.	3,9	4,2	4,3	3,7	2,9	0,74
Қишлоқ хўжалигида ялпи ҚҚ, млрд. сўм.	21251,3	64680,3	74779,0	90983,9	113660,7	5,3
1 сўмлик инвестиция ҳисобига яратилган ҚҚ, сўм.	12,8	14,3	15,6	14,9	14,2	1,11

